Ушбу сонда:

2 КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* «ЁРДАМ ПУЛИ» КИМЛАРГА БЕРИЛИШИ КЕРАК?

4 *«Ишонч» бонг уради* ХАРОБАГА АЙЛАНГАН ЎЙИНГОҲ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 сентябр, сешанба № 129 (776)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

Навбаҳор туманидаги «Зарафшон» хўжалиги пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта теримига киришдилар. Улар бу йил 720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан «оқ олтин»ни йиғиштириб олишга аҳд қилган. Ҳозир режанинг 5-6 фоизи миқдорида пахта топширилмоқда.

Далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилгани, теримчилар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинаётгани муваффақият гарови бўлмоқда.

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашда, юрт довруғини жаҳонга танитишда спортнинг аҳамияти катта эканлиги барча эътироф этган ҳақиқат. Шу боис мамлакатимизда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикамиз спортчиларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари эса бунинг самарасидир. Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик спорт мусобақалари қатори «Президент кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири ҳам бу хайрли ишнинг узвий қисми ҳисобланади. Зеро, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан энг номдор теннис усталари иштирок этадиган бу мусобақа нафақат улкан спорт байрами, балки юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизнинг, миллатимиз равнақи йўлида ташлаётган қадамларимизнинг яна бир намойишидир.



13 сентябр куни «Юнусобод» спорт мажмуида ана шу нуфузли мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган республикамиз ҳукумати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, спорт мухлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб олдилар.

Майдонга мусобақада вакиллари қатнашаётган 26 давлат байроқлари олиб кирилди.

Халқаро теннис турнири ташкилотчиси Сассон Какшури теннисни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар учун Ўзбекистон раҳбарига, мусобақанинг барча ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

Теннис турнирини расман очиқ деб эълон қилиш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мусобақанинг ташкилотчи ва қатнашчиларини, муҳташам спорт саройига йиғилган барча теннис ишқибозларини навбатдаги «Президент кубоги» турнирининг очилиши билан муборакбод этди.

Ҳар йили сентябрда Ўзбекистон пойтахти Тошкентда АТР жаҳон серияси кирувчи халқаро теннис мусобақаларини ўтказиш биз учун яхши анъанага айланди, деди Президент. Турнир қатнашчилари бўлган кўплаб мамлакатларнинг байроқлари олтинчи бор кўтарилмоқда, ушбу қизиқарли, чиройли ва жасоратли спорт турининг ихлосмандлари муҳаббатига сазовор бўлган теннис усталарининг исмлари янграмоқда.

Юртбошимиз мамлакатимизда кундан-кунга тобора оммалашиб бораётган мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берувчи шарт-шароит яратилганини қайд этди. Республикамиз спортчиларининг дунёнинг энг йирик теннис турнирларидаги муваффақиятли иштироки бунинг табиий натижасидир. Уимблдондаги қизлар ўртасидаги турнир ғолиби Ирода Тўлаганова эса халқимиз фахрига айланди.

Ўзбекистонда теннисниг бундай шуҳрат қозонишига 1994 йили биринчи бор ўтказилган «Президент кубоги» пойдевор вазифасини ўтади, десам хато қилмайман, деди Ислом Каримов. Орадан жуда оз вақт ўтган бўлса-да, Тошкентдаги мусобақалар барча катта теннис усталари доирасида улкан обрў қозонди. Бугун эса, турнирнинг бош соврини — «Президент кубоги» учун 26 давлатдан келган 80 га яқин спортчи баҳс олиб боради.

Давлатимиз раҳбари Тошкентдаги мусобақаларда иштирок этишга имкон топган теннис юлдузлари — россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин, англиялик Грег Руседски, германиялик Николас Кифер, словакиялик Карол Кучера ва Ян Кросляк, франциялик Седрик Пиолин, швейцариялик Марк Россе, чехиялик Даниэль Вацек, арманистонлик Саргис Саргисянни, турнирнинг барча қатнашчиларини қизғин қутлади. Турнир директори Сассон Какшурига, АТР менежери АҚШлик Поль Сетлс, бразилиялик Пауло Перрейра бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳига, ҳомийларга, мусобақаларни ёритадиган журналистларга ўзбекистонлик теннис ихлосмандлари номидан миннатдорлик билдирди. Айнан оммавий ахборот воситалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли кортдаги баҳсларни нафақат Ўзбекистонда, балки Би-би-си, CNN, Рейтер, ESPN, Евроспорт, Теле-депорто, «Израиль канал спорт» ёрдамида дунёнинг барча қитъаларида кузатиш мумкин бўлади.

Президентимиз мусобақа қатначиларига омад ва муваффақият тилаб, бу турнирда ютқазганлар бўлмаслигига ишонч билдирди. Чунки, турнирда иштирок этаётганлар бизнинг юртимизда янги дўстлар ва мухлислар орттирадилар.

Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» олтинчи халқаро теннис турнирини очиқ деб эълон қилди.

Ўзбекистон давлат мадҳияси садолари остида Республикамиз байроғи кўтарилди.

Шундан сўнг турнирнинг биринчи ўйини бўлиб ўтди. Унда арманистонлик Саргис Саргисян ва словакиялик Карол Кучера ўзаро куч синашди. Омад С. Саргисянга кулиб боқди: у 6:1, 6:4 ҳисобида муваффақиятга эришди.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА мухбири.

Суратларда: «Президент Кубоги» анъанавий халқаро теннис турнирининг очилишидан лавҳалар. А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

БИРИНЧИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Тошкентдаги «Камолот» спорт мажмуининг теннис кортларида 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар - вилоят мусобақаларининг ғолиблари ўртасида халқаро турнир бошланди.

- Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун мусобақа доирасида бу турнир учинчи марта ўтказилмоқда, - деди «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева. - Бу турнир болаларга тенгдошлари билан учрашиш қувончини бахш этибгина қолмайди, уларни жисмоний тарбия ва спортга, хусусан теннисга жалб этишга ёрдамлашади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, шунингдек Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мусобақа иштирокчилари учун республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш юзасидан хилма-хил дастур тузилган, жумладан «Тошкентленд»да бўлиш кўзда тутилган.

Энг муҳими - мусобақанинг барча ёш иштирокчилари шу кунларда теннис бўйича энг нуфузли мусобақалардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Президенти Кубоги учун мусобақада иштирок этиш учун Тошкентга келган катта ракетканинг энг кучли вакиллари беллашувини бепул томоша қила оладилар.

ТЕРРОРЧИЛАР ЁВУЗ НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

ЎзА мухбирлари Қирғизистоннинг Боткент туманидан хабар қилади:

Қирғизистон жанубидаги Боткент туманида ўрнашиб олган халқаро террорчиларни тугатиш бўйича кескин чоралар кўрилмоқда. 11 сентябр куни Боткентда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ҳ. Турсунов Қирғизистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Россия ҳарбий маҳкамасининг юқори мартабали вакиллари билан учрашди. Қирғизистон ҳарбийлари ўз ҳамкорларини тумандаги ҳарбий ва оператив вазият билан таништирди, Қирғизистон ҳукумати томонидан жангарилар олдига қўйилган ультиматум шартларидан хабардор этди. Учрашув давомида қўпорувчиларни йўқ қилиш бўйича Қирғизистон томони тайёрлаган режа билан танишилди, ўзаро ҳамкорлик масалалари батафсил муҳокама этилди.

***

Боткент ва Чўн-Олой тумани аҳли, шунингдек, Қирғизистоннинг маҳаллий ва марказий раҳбарияти жангарилар бостириб кирган дастлабки вақт билан қиёслаганда ҳозир мазкур ҳудуддаги ҳарбий-сиёсий вазият анча яхшиланганини эътироф этмоқда. Мустақил давлат ҳудудига қурол билан бостириб кирган ҳар қандай куч мақсади ва маслагидан қатъи назар, истисносиз йўқ қилиниши даркорлиги ҳозир ҳар бир кишининг қалби ва онгидан жой олган.

Шунингдек, қўзатувчилар ҳудуддаги вазиятнинг ўнгланишига Қирғизистон ҳарбийларининг етарли куч тўплагани ва ҳарбий бошқарувнинг қатъиятли қўмондон А. Чўтбоев қўл остига ўтгани ҳам ижобий таъсир этганини таъкидламоқдалар.

***

Террорчилар дастлабки вақтларда алдов ва пул эвазига маҳаллий аҳолидан мадад олиб турган. Бироқ, вақт ўтиши билан улар ўзларининг асл қиёфасини намойиш этди. Талончилик, босқинчилик, аёллар номусига тегиш каби жиноятлар мард тоғликларни жангарилардан бездирди. Дастлаб қуролли одам қаршисидаги имконсизлик туфайли босқинчиларга мадад беришга мажбур бўлган оддий халқ ҳозир уларга ҳар томонлама қаршилик кўрсатмоқда. Қочқинларнинг маълум қилишича, ҳозир жангарилар лагерида аҳвол оғир. Ҳарбийлар босимига қаршилик билан банд бўлган жангарилар тўйиб овқат ейишни унутган. Яқинлашиб келаётган қиш нафаси уларни тобора безовта қилмоқда.

Турли сабабларга кўра террорчилар лагерида бўлган ва уларнинг қўлидан қутулиб келган кишиларнинг маълумот беришича, босқинчиларнинг қандайдир юксак мақсадларни кўзлаган жамоа экани ҳақидаги миш-мишлар ёлғон. Улар оддий жиноий тўдалардан фарқ қилмайдиган босқинчилардир. Бошлиқлари яхши қийинган, яхши қуроллар билан таъминланган, иссиққина жойларга ўрнашиб олган. Оддий жангариларнинг усти-боши эса юпун, кўзларида кўрқув ва мутелик туйғулари акс этиб туради.

***

Дастлабки вақтларда Қирғизистон қуролли кучларининг ҳаракатсизлиги, айрим сиёсатдонларнинг амалий ишдан кўра қуруқ гап-сўзларга маҳлиёлигидан фойдаланган халқаро террорчилар баланд тоғлар бағридаги бир неча қишлоқларни босиб олгани маълум. 3 сентябр куни жангариларнинг кичик бир тўдаси тоғларнинг қуйи қисмидаги Қорабулоқ қишлоғигача тушиб келади. Бироқ, босқинчиларнинг беҳаё хатти-ҳаракатидан норози бўлган аҳоли уларни ўз қишлоғидан ҳайдаб солган. Шундан сўнг жангарилар баланд тоғ қишлоқларида мустаҳкамланиб олиш ҳаракатига тушган. Бу ҳодиса жангариларнинг ўзлари таъкидлаганидек, қўшни Ўзбекистон томон ҳаракат қилаётганидан эмас, балки тоғларда ўзларига янги бир лагер ташкил этиш ниятида эканлигидан далолат беради, дейиш мумкин.

***

Маълумотларга қараганда жангарилар гаровда сақлаб турилган тўрт япон геологи учун бир ярим миллион АҚШ доллари миқдорида товон сўраган. Бироқ, Япония томони террористларга ҳеч қачон ён бермаслик, уларга ҳеч қандай товон тўламаслик позициясига содиқ бўлгани учун бу таклифни рад этган. Япония томонининг вакилларидан бири, «яхшиси, биз бу пулни Қирғизистон ҳарбийларига берамиз, токи бундай жангариларни таг-туги билан йўқ қилиб ташласин», деган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жангарилар япон геологларини охирги вақтгача ўзларига қалқон сифатида сақлаб туради. Маълумотларга қараганда, улар Абрамов музлигида жойлашган жангарилар лагерларидан бирида сақланмоқда.

***

Қирғизистон томонининг бир неча бор мурожаат қилишига жавобан Тожикистон ҳукумати баланд тоғлар устидан ўтган чегараларни ёпиш имкони йўқ, демоқда эди. Жангариларни узил-кесил йўқ қилиш режасини амалга оширишни бошлаган Қирғизистон ҳарбийлари Тожикистонга ўтадиган тоғ йўллари ва сўқмоқларига махсус тайёргарликдан ўтган аскарлар ва тоғлардаги нишонларни уришга имкон берадиган зенит тўпларини туширди. Шу билан жангариларнинг Тожикистонга қочиб ўтиш ва мадад олиш йўллари беркилди.

Айни пайтда қирғиз ҳарбийлари террорчиларнинг жойлашиб олган тоғ дараларидан чиқиб кетмаслиги учун лозим бўлган бошқа тадбирларни ҳам кўрмоқда. Тоғлар оралаб ўтадиган барча йўл ва сўқмоқлар назоратга олинган. Амалда жангарилар тўрт томондан қуршовга тушиб қолди. Ҳарбийлар ортиқча талафот кўрмаслик учунгина жиддий ҳаракатлардан тийилиб туришганини маълум қилмоқда.

***

Босқинчиларнинг режадаги ишлари учун асосий маскан бўлган Боткент туманининг қуйи ҳудудларида тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Ўқув муассасалари, бозорлар, савдо дўконлари ишлаб турибди. Ўтган ҳафтанинг пайшанба-жума кунлари туман марказидаги қочқинлар лагерида турган 6 минг нафардан ортиқ қочқинларнинг аксарияти ўз уйига қайтиб кетди. Фақат баланд тоғ қишлоқларидан келган уч мингга яқин қочқин тумандаги Қорабоғ, Чек ва Янги Ер қишлоқ овулларидаги қариндошларининкида яшашмоқда. Уларнинг 570 нафар фарзанди учун мактабларда ўқиш ташкил этилган.

— Бир кунлик нотинчлик қирқ кунлик ҳаловатни йўқотади, — дейди Боткент тумани фуқароси Сафарали Нишонбоев. — Юртимизга бостириб кириб, тинч аҳоли оромини бузганларнинг асл мақсадлари нима эканлигини барчамиз тушуниб етдик. Қора ниятли ғаламис кучлар албатта қилмишларига яраша жазо олади.

Мусулмон НАМОЗОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

РОССИЯ: ЯНА БИР ПОРТЛАШ

Мамлакат раҳбарияти Доғистоннинг Бўйнаксий ҳамда пойтахт Москвада рўй берган ва ўнлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган портлаш оқибатида 13 сентябрни мотам куни, деб эълон қилиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишга мажбур бўлди.

Россиянинг айрим ҳудудларида ҳукм сураётган беқарорлик мамлакат пойтахти — Москвада ҳам акс-садо бераётир. Шу кунларда пойтахт аҳолиси шаҳарда кетма-кет юз бераётган портлашлардан катта хавотир ва саросимага тушиб қолган, Куни кеча пойтахтнинг Гурьянов кўчасидаги 9 қаватли бинонинг икки подъезди ҳам портлаб, вайронага айланганди. Ушбу фожеа юзга яқин одамнинг ҳаётига зомин бўлгани ҳақида жаҳон оммавий ахборот воситалари катта ташвиш билан ёзди.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, 13 сентябрь — мотам куни эрталаб Москванинг Каширск шоҳ кўчасидаги уйларнинг бирида навбатдаги портлаш юз берган. Бу галги фожеа ҳам шаҳар аҳолисини, ҳукумат, хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқ тартибот органларини саросимага солиб қўйди. Тонгда юз берган ушбу фожеа бундан бир неча кун аввал Гурьянов кўчасида юз берган портлашнинг айнан ўзини такрорлаган эди. Сўнгги хабарларга қараганда, қутқарувчилар вайроналар остидан қиркдан зиёд одамнинг жасадини олиб чиққан. Бироқ қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Чунки вайронага айланган бинони тозалаш ишлари ҳали ниҳоясига етгани йўқ.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилинишича, мазкур портлаш террорчилик ҳаракати оқибатида амалга оширилган бўлиши мумкин. Мутахассисларнинг бундай фикрни илгари суришида жон бор. Зеро, Гурьянов кўчасидаги портлаш билан Каширск шоҳ кўчасида рўй берган портлаш бир-бирига ўхшаб кетади. Шунингдек, Каширск шоҳ кўчасида портлаш юз берган жойга яқин уйларнинг бирида кўп миқдорда портловчи модда яширилгани ҳақида ҳам хабарлар бор. Шу боис яқин атрофда жойлашган биноларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳамда мактаб ўқувчилари зудлик билан бехавотир жойга кўчирилди. Ҳозир ички ишлар ҳамда хавфсизлик хизмати ходимлари М. Лайпанов деган шахсни қидиришга тушган. Портлаш содир бўлган иккита уйнинг ҳам ертўласини айнан ана шу кимса ижарага олгани аниқланган.

Москвада юз берган кетма-кет портлашлар давлат раҳбари ва ҳукумат аъзоларини қаттиқ ташвишга солаётир. Президент Борис Ельцин тегишли органлар раҳбарларини йиғиб, ушбу масалага бағишланган кенгаш ўтказди. Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига ва 30 давлатлар ҳукумат раҳбарларининг янги Зеландияда бўлаётган учрашувида иштирок этаётган ҳукумат раиси В. Путин эзулик билан Москвага чақирилди. Москва шаҳри маъмурияти эса пойтахтдаги турар-жойлар ҳамда муҳим стратегик иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бундай чора-тадбирлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Россия ўзининг энг беҳаловат кунларини бошдан кечирмоқда. Хусусан, ҳозир Қорачой-Черкесия, Доғистон, Шимолий Осетия, Чеченистон каби ўлкалар беқарор бўлиб турибди. Бир ойдирки, Доғистонда Россия ҳукумати қўшинлари билан халқаро террорчи гуруҳлар ўртасидаги жанглар тўхтамаяпти. Москвадаги портлашларнинг Доғистондаги воқеалар билан бевосита алоқадорлиги ҳақида аниқ гап айтиш қийин. Бироқ, Россия бошдан кечираётган хавотирли кунларга теранроқ назар ташланса, беихтиёр Москвадаги портлашлар ҳам Доғистондаги ана шу беқарорликнинг узвий давомидек бўлиб кўринади.

Москвадаги портлаш оқибатларини бартараф этиш давом этаётган, ушбу вахшийликни амалга оширганларнинг шахсини аниқлаш устида иш олиб борилаётган бир вақтда Бурятия пойтахти Улан-Удэдан ҳам шум хабар келди. Маълум бўлишича, Улан-Удэ шаҳридаги турар-жой бинаси ларидан бирининг остонасида портлаш содир этилган. Ҳайриятки, бу сафар ҳеч ким жабрланмаган. Улан-Удэдан хабар қилинишича, мазкур портлаш жиноятчи гуруҳларнинг иши бўлиб, портлаш содир бўлган уйда мафияга алоқадор «обрўли» шахс истиқомат қилар экан.

Россия мотам қўйнида. Портлашларнинг, террорчилар томонидан қон тўкишнинг охири бўлармикан? Афсуски, бу саволга ҳозир Россияда ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди.

(ЎзА).

КОЛЛЕЖГА ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Қизилтепа туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалигида касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланди. Малакали ўрта махсус қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрловчи бу билим маскани замонавий андозалар асосида бунёд этилади. Шу мақсадда 1,5 миллиард сўмлик иш бажарилади. Коллеж 52 гектар майдонни эгаллайди. Унинг 7,2 гектари қурилишга ажратилган. Қолган ерларда талабалар учун тажриба майдончалари ташкил этилади.

Уч қаватли коллежда 700 талаба кенг ва ёруғ синфхоналарда таҳсил олади, барча ихтисосликлар бўйича лабораториялар, тажриба-синов хоналари улар ихтиёрида бўлади. Янги ўқув даргоҳи мажмуи тўрт қаватли ётоқхона, қишки ва ёзги спорт иншоотлари, маданият саройи, ошхонани ўз ичига олади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида

ДАНИЯЛИКЛАР ТАШРИФИ

Мустақил Ўзбекистонимизда барча соҳаларда бўлгани каби касаба уюшмалари ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Максадга эришишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг чет эллар билан икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб бораётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Жорий йил бошида серкуёш диёрнинг бир гурух касаба уюшма фаоллари Туркияда бўлиб, у ердаги ишчилар ҳаёти, илғор иш тажрибалари билан якиндан танишиб қайтдилар.

Куни кеча эса Дания ишчилар маорифи уюшмаси раҳбарлари Тошкентга ташриф буюришди. Федерацияда бўлиб ўтган жонли, қизиқарли фикр алмашувлар, баҳс-мунозаралар асосида мазкур уюшманинг Тошкент, Андижон шаҳарларида очилиши мўлжалланаётган ўқув марказининг лойиҳаси муҳокама этилди. Лойиҳа раҳбари Шарлотта Баер катта қизиқиш уйғотаётган уюшманинг ташкил этилиш тарихи, ўқув марказининг ўзига хос афзал томонлари ҳақида атрофлича тушунча берди.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шаклларидаги ходимлари Жиззах вилоят қўмитасининг конференцияси ишчанлик вазиятида, танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

Конференцияда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилган вилоят қўмитаси раиси Турғун Кўчқунов ва музокараларда сўзга чиққанлар асосий эътиборни муаммолар, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган камчиликларга қаратдилар.

ПУХТА ТАҲЛИЛ, АНИҚ РЕЖАЛАР

Ўз тасарруфига 12 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган вилоят қўмитаси «Жиззахсавдо», «Матлуботсавдо» акциядор компаниялар, вилоят деҳқон бозорлар уюшмаси, савдо, тижорат билан шуғулланувчи хусусий мулкдорлар, меҳнаткашлар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Агар ҳисобот даврининг дастлабки йилида 265 млн. сўмлик чакана ва 22 млн. сўмлик умумий овқатланиш мол айланиши бўлган бўлса, ўтган йилнинг якуни бўйича бу рақам 2 миллиард 190 млн сўмдан иборат бўлди.

Хусусан, Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах туманларидаги, Жиззах шаҳридаги «Тожир», «Ором», «Баққоллик» ҳиссадорлик жамиятлари аҳолига савдо хизмати кўрсатишда намунали ишладилар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда савдо пули вилоят кўрсаткичларидан анча юқори бўлганлиги қувонарлидир.

Тармоқда Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича Фармон ва қарорларини бажара бориб, «Жиззахсавдо» тизими ташкилотларидан 104 та шохобча, «Матлуботсавдо» тизимидан 620 савдо ташкилоти давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларнинг барчаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Ҳисобот даврида кўплаб дўконлар, супермаркетлар қайта таъмирланди, эски ускуналар янгилари билан алмаштирилди, кўплаб совутгичлар, касса аппаратлари сотиб олинди. Тармоқни компьютерлаштиришга, қўл меҳнатини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Жиззах шаҳрида «Жиззах маркет» дўкони ишга туширилиши эса Мустақиллик байрами арафасида аҳолига ажойиб совға бўлди.

Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилиш, тармоқ ходимлари хавфсизлигини таъминлаш доимо диққат марказида. Шу боис, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

Қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, улар тўғрисида меҳрибонлик қилишга катта эътибор бериб келинмоқда.

Биргина 1998 йилнинг ўзида «Жиззахсавдо» тизимига кирувчи ташкилотлар томонидан аҳолининг ана шу қатламларига 1 млн.807 минг, «Матлуботсавдо» тизимидаги ташкилотлар томонидан эса 8,1 млн. сўмлик моддий ва хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Бунда касаба уюшмаларининг иштироки катта.

Маълумки, ижтимоий суғурта имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш аҳолини, шу жумладан, тармоқ ходимларини, уларнинг фарзандлари саломатликларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврида ўн млн. сўмдан ортиқ ижтимоий суғурта маблағи асосан тармоқ ходимлари ва уларнинг болаларини соғломлаштиришга йўналтирилди. Натижада, республиканинг турли ҳудудларидаги санаторий, профилакторийларга 380 та йўлланмалар олиниб, ходимлар соғломлаштирилди, 172 савдо ва бошқа тармоқ ходимлари дам олиш уйларида бўлдилар.

Меҳнаткашларни маданий дам олишларини ташкил этишда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамият касб этади. Буни назарга олиб, тармоқда туманлар, Жиззах шаҳрида спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Конференцияда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, касаба уюшмалари иши ҳозирги замон талаблар darajasidan орқада эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, касаба уюшмалари ҳаётида энг муҳим воқеа-ҳисобот-сайловларга тайёргарлик барча жойларда кўнгилдагидек бўлди деб айтиш қийин. Зомин, Фориш, Арнасой туманларининг савдо, ишлаб чиқариш тармоқлари, вилоят бозорлар уюшмаларининг Мирзачўл, Зарбдор, Зафаробод бозорлари касаба уюшма қўмиталари ҳисобот-сайловларга тўла масъулият билан ёндошмаганликлари туфайли йиғилишлар белгиланган муддатда ўтказилмади. Уларда расмиятчилик, эскича ишлаш ҳамон сезилмоқда.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда ҳам баъзи камчиликлар мавжуд. Бугунги кунда айрим савдо ташкилотларида белгиланган моллар ҳам етишмайди. Бундай дўкон ва овқатланиш корхоналари даромад келтирмаяпти... Хусусийлаштириш жараёнида жамоа мулки сифатида берилган корхоналар кўп ҳолларда қонун доирасида тўғри ҳужжатлаштирилмагани кишини таажжублантиради.

Айрим ташкилотларда иш ҳақи, нафақалар, ойлик маошлар баъзи ҳолларда ярим йил, ҳатто ундан ҳам кечиктириб берилиши касаба уюшмалари фаолиятидаги энг катта камчиликдир.

Конференцияда камчиликларни бартараф этиш, фаолиятни янгича талаблар асосида ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида

ДАНИЯЛИКЛАР ТАШРИФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Дания ишчилар таълими уюшмаси мамлакатдаги энг катта норасмий-маърифий ташкилотлардан ҳисобланади, - деди Шарлотта хоним. - У 1924 йилда Дания социал-демократик партияси ва касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган. Асосий мақсади турли ёшдаги аҳолини ўқитишдир. Ҳар йили 5 миллионлик Дания аҳолисининг 400 мингдан зиёдроқ қисми уюшма тизимига жалб этилмоқда. Ўқув жараёнида лекциялар, семинарлар, доимий курслар ва бошқа хил тадбирлар ўтказилади. Ҳозирги кунда уюшманинг мамлакат бўйлаб турли шаклдаги 244 та ваколатхоналари ҳамда 13 та ҳудудий ташкилотлари мавжуд. Биз дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакати билан ўқув курсларини ташкил этиш, махсус дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда турли ёшдаги аҳолига таълим берувчи марказларни барпо этиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Уюшма ишчилар таълими Ассоциациялари халқаро Федерацияси аъзосидир.

Ўзбекистонда ўқув марказини ташкил этишнинг аҳамиятли томони шундаки, бозор иқтисоди шароитида ғоят маъқул ўқув системасини яратилади. Унга асосан касаба уюшма ходимлари жалб этилади. Марказ қошида меҳнат бозорининг қонуниятлари, халқаро касаба уюшмалари ҳаракати, меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари ва келишувлар каби курслар фаолият кўрсатади.

- Ўзбекистон мустақиллик йилларида муболағасиз катта муваффақиятларни қўлга киритди, - дейди биз билан суҳбатда уюшма бошқаруви раиси Питер Могенсен. - Мамлакатингиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталик, одамларингизнинг илмга, янгиликка чанқоқлиги бизга бағоят манзур бўлди. Икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ўқув маркази ташкил этишга киришилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова бошчилигида ўтказилган давра суҳбатида ўқув маркази лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Фойдали таклифмулоҳазаларни бажонидил қабул қилдик. Шубҳа йўқки, эзгу ният амалга ошса, бундан ҳар икки томон катта фойда кўради. Ўқув маркази ишга тушса, унинг курсларини битирган касаба уюшма ходимлари бозор муаммоларини омилкорлик билан енгиб, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашларига тўла ишонаман.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Хотира уйғонса гўзалдир

Битта қилиб ўриб қўйилган зулфи зебо сингари тўлқин-тўлқин асфальт йўл устига ташланган халқа янглиғ рамзий дарвоза қўрингач, хамрохимиз - Чиноз туман касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Абдурахмон Абдиров етиб келдик, дегандек бизга қараб қўйди. Сал ўтмай дарвоза пештоқидаги битик аниқ-равшан кўзга ташланди: «Эшонобод» жамоа хўжалигига хуш келибсиз!»

ДУО ОЛГАН ШОГИРДЛАР

Беихтиёр савол туғилди: «Нега «Эшонобод»? Ёки хўжалик шу номдаги овул ўрнида барпо этилганми?» Шундоққина йўл ёқасида, оромгоҳни эслатувчи каттагина боғга кираверишда жойлашган бир қаватли бино-хўжалик идорасида саволимизга жавоб олдик.

-Худди мана шу ерда, - дея изоҳ берди раис Кенбой Кукузов, салом аликдан сўнг, - биз учун ғоят мўътабар инсон - хўжаликка салкам қирқ йил раҳбарлик қилган Эшон ота Шамсиев ўтирганлар. Юрт осмонини қоплаган қора булут - гдлянчилар тегирмонига тушиб ҳам бутун чиққан ота мустақиллигимизга тўққиз ой қолганда идорада, шу ўтирган ўринларида бандаликни бажо келтирганлар. Халқнинг хоҳиш-иродаси билан хўжаликка шу азиз зотнинг номларини қўйганмиз.

Раис ўзи бош бўлиб, идора рўясида қад ростлаган хўжалик музейига саёҳат уюштирди. Очиғи, хаёлан мўъжазгина хонани кўздан кечиришни ўйлаб қўйганимиз учунми, қаршимизда намоён бўлган манзарадан бир зумга ҳайратга тушдик. Энига ўн, бўйига қирқ метрлар чамалик муҳташам зал экспонатлар билан лиқ тўла, уларда хўжалик тарихи ўз аксини топган эди. Чапда Эшон отадан ёдгорлик - стол-стул, бурчакда сейф, илгичда эса отага тегишли костюм...

Бундан ташқари, хўжаликка меҳнати сингган, уни оёққа турғазишда Эшон отага елкадошлик қилган фахрийларнинг суврати... Шу маъвода етиштирилган пахта ва буғдой навларидан намуналар, олма-ю нокларнинг тош қотган сийрати: давр нафасини ютган турли-туман ҳужжатлар...

Эшон отамизнинг ниятлари жуда катта эди, хўжалик иқтисодчиси ва муҳосиблари томонидан тайёрланган ҳисоб-китобларни тахлил қилар эканмиз.- тақдир тақозоси билан уларни рўёбга чиқариш иқтидорли шогирдлар чекига тушганлигидан қувондик.

Хўжалик фаолияти билан танишар эканмиз, сўнгги йилда кўзга ташланган юксалиш омилларига қизиқишимиз ортди беихтиёр. Энг муҳими, хўжалик ўз аъзоларидан иш ҳақи бўйича қарздор эмас. Ҳатто айримлар қарз бўлиб қолганлигини эшитдик. Кейин билсак, газ, электр, сув ва ҳоказо тўловлар марказлашган ҳолда идора томонидан бир йўла тўланар экан. Ўртадаги тафовут хўжалик ва аъзолар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тарзда ёпилади.

Даромад эса чакки эмас. Ўтган йили пахта ҳам, ғалла ҳам хўжаликка мўмайгина фойда келтирганлиги боис, меҳнаткашлар бу йилги қишлоқ хўжалик мавсумига астойдил енг шимариб киришдилар. Гарчанд хўжалик худуди туя ўркачлари каби қир-ўнгирлардан иборат бўлса-да, 631 гектар ердан 32,7 центнердан ҳосил кўтарилиб, ғалла режаси ортиғи билан адо этилди. Давлатга 29 миллион 326 минг сўмлик буғдой сотилди. 2 миллион 550 минг сўмлик буғдой эса халққа тарқатилди. Умумий даромад 13,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Мулк эгасини топган жойда рағбат ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлаверар экан. Ғаллачиликда тўла оилавий пудратга ўтилгани учун ишлов ҳам қаров ҳам шунга яраша бўлди. Албатта, даромад ҳам.

Дарҳақиқат, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, 12 гектарда деҳқончилик қилиб, 42 центнердан ҳосил кўтарган Қиличбек Файзиев оиласи ғалланинг ўзидан 218 минг сўм даромад қилди. Эндигина 24 ёшга кирган бу йигит яхши ният билан уй тиклаяпти. 8 гектардан 51 центнердан буғдой етиштирган 21 ёшли Нурлан Хожимуротовнинг ҳам бугун оғзи қулоғида. 180 минг сўм соф даромад олган бу йигит яқинда уйланди. Касабақўм ўз илғорини қутлаб, тўёнага палос кўтариб борди.

Кези келганда, хўжаликда рағбатлантиришнинг яна бир усули жорий қилинганлигини ва бу меҳнат шартномасида мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш жоиз. Бунинг натижаси ўлароқ пудратчилар ўртасида соғлом рақобат юзага келган. Яъни, ҳар бир пудратчи зиммасига топширилган ерга қараб, томорқа билан ҳам рағбатлантирилади: бир гектар ғалла майдони учун 3 сотих, бир гектар пахта майдони учун 5 сотих белгилаб қўйилган. Зеро, даромад булоғининг бу жиҳатини инобатга олганда, хўжалик аъзоларининг турмуш тарзи қай тахлит ижобий сийрат касб этаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

-Ниятларимиз катта,- деди раис яна чуқур ўйга толиб. - Насиб этса, чорва туёғини кўпайтиришга аҳамият бермоқчимиз. Гўшт ва сут ўзимиздан чиқса дейман. Ҳозирча боғчада тарбияланаётган кичкинтойларимизга керагича сут етказиб турибмиз. Дарвоқе, боғча тўла хўжалик қарамоғида - ошовқатидан тортиб, бошқа харажатларни ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Хўжалик ҳудудидаги иккита мактабимизнинг ҳеч бўлмаса бошланғич синфлари ҳам шундай саҳоватдан баҳраманд қилиш ниятимиз бор.

Шу куни хўжалик фахрийларидан кимдир вафот этган экан. Кенбой Кукузов биз билан ошиғич хайрлашиб, бошига мусибат тушган ўша хонадон сари юриб кетди.

- Барака топсин,-деди ҳамроҳларимиздан бири, илдамлаб бораётган раис ортидан қараб қолар экан.- Эшон отамнинг ўрниларини билдирмаяпти...

Зайниддин РИХСИЕВ, Мирза ҲАМДАМОВ, «Ишонч» мухбирлари.

Дилдан ташаккур

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Жиззах вилояти Фориш туманида истиқомат қилаётган тожик милларатига мансуб кишилар номидан Сизга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатимизда амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсат туфайли барчамиз тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқдамиз. Мустақил Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари Конституциямизда қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилган. Барча қатори ўзимизга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, қувончли натижаларни қўлга киритаяпмиз. Қишлоқларимизда етмиш йилда амалга ошмаган ишлар саккиз йилда рўёбга чиқди. Севимли масканимиз йил сайин чирой очиб бормоқда. Бунинг учун Яратганга шукроналар айтамиз.

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз бахт-саодати йўлидаги улуғвор ишларда Сизга ҳамиша содиқ, ҳамкору ҳамжиҳатмиз!

Раҳмонкул ФАРМОНОВ, уруш ва меҳнат фахрийси. Мусулмон НОРБОЕВ, меҳнат фахрийси. Орзумурод КУНОРОВ, ҳожи. Кўчқор КУРГОНОВ, зиёли.

Меҳнат муҳофазаси

ИШИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ?

Меҳнат хавфсизлиги ишловчини ижтимоий ҳимоялашнинг таркибий қисмига киради. Зеро, ҳар бир кишининг меҳнатдан сўнг оиласи кучоғига эсон-омон бориши катта бахт. Бинобарин, касаба уюшмалари ўз аъзоларини моддий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга улар соғлиғи, хавфсиз шароитда ишлаши учун ҳам жон куйдиради. Бу борада Наманган вилояти машинасозлик ва металлургия саноати корхоналарида аҳвол қандай?

Текширишлардан маълум бўлдики, тармоқдаги салкам 5 минг нафар киши меҳнат қилаётган 37 корхона ва ташкилотда кейинги йилларда бу соҳага эътибор сезиларли даражада кучайган. Қатор тегишли ташкилий, техникавий, санитария-профилактик тадбирлар амалга оширилган. Корхоналар маъмуриятлари билан касаба уюшмалари ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида ходимларни даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга меҳнат хавфсизлиги юзасидан йўл-йўриқлар бериш, ҳар бир иш жойида меъёр талаблари асосида санитария-маиший шароитлар яратилмоқда. «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, Чодак олтин қазиб чиқариш кони, «Олтинкон» қидирувчилар артели каби ташкилотларда меҳнат муҳофазасига қаратилган мақсадлар учун салмоқли маблағлар сарфланди. «Электротерм» ҳиссадорлик жамияти қошида тиббий-санитария қисми ишлаб турибди, ходимларнинг даволаниш харажатлари корхона ҳисобидан қопланмоқда. «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли дам олиш маскани корхона ходимларининг ҳордиқ чиқаришларида муносиб ўрин тутмоқда.

Аёллар йили муносабати билан тармоқда ишловчи аёллар учун амалдаги қонунларга қўшимча жамоа шартномасида акс эттирилган ҳолда қатор имтиёзлар жорий қилинмоқда. Жумладан, «Тоғ гўзали» тикувчилик фабрикасида аёлларни йилига икки марта бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамиятида болалар боғчаси учун отаоналар бадал тўловининг ярмини корхона ҳисобидан қоплаш, Чодак олтин қазиб чиқариш кони ва «Олтинкон» қидирувчилар артелида меҳнат стажига мос равишда устама ҳақ бериш каби ижтимоий тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят машинасозлик ва металлургия корхоналарида ўтган ва шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида меҳнатни муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга жами 14 млн. 709 минг сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан эълон қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини яхши ташкил қилиш бўйича Республика кўрик-танлови»ни ўтказиш юзасидан вилоят «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти, Чодак олтин қазиб чиқариш кони ва «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмиталари фаол иш олиб бормоқдалар. «Автотеххизмат»нинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича вакили Маҳмуджон Камолов Республика кўрик-танловининг 1997 йил якуни бўйича ғолиб деб топилди. Шу ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси (раиси Сайфиддин Юсупов) кўрик-танловнинг 1998 йил якуни бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

Бироқ, юқоридаги ижобий натижалардан тармоқ ҳиссадорлик жамиятларида кейинги 4-5 йил мобайнида инженер-техник ходимлар меҳнатини муҳофазалаш бўйича билим синовини ўтказиб туриш, афсуски, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамма жойда ҳам бир хил даражада кўнгилли, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Айрим корхоналарда ишловчиларга, шу жумладан, аёлларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратишда жиддий камчиликларга кўл қўйилмоқда. Масалан, Наманган қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхонаси ва «Олмоспахтамаш» ҳиссадорлик жамиятида хавфсизлик техникаси йўриқномалари ҳар бир иш тури бўйича тўла ҳамда талаб даражасида тузилмаган. «Вторчермет» корхонаси, «Мехмаш» ва «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамиятларида меҳнат шароити заррли бўлган ёки ифлосланиши билан боғлиқ шароитларда ишловчиларга белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу қонуний мажбурият корхоналарда тузилган жамоа шартномаларига ҳам киритилганига қарамасдан айрим корхоналар касаба уюшма қўмиталари ушбу мажбуриятнинг бажарилишини назорат қилишда талабчанлик кўрсатмаётирлар. Оқибатда «Мехмаш» ҳиссадорлик жамиятида, Наманган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида, «Тонг гўзали» тикувчилик фабрикасида ходимларга махсус кийимлар ўз вақтида берилмаяпти. «Вторчермет» корхонаси, «Мехмаш» ва «Барион» ҳиссадорлик жамиятларида мавжуд бўлган санитария-маиший хоналар (ювиниш хоналари, аёллар шахсий гигиена хоналари) умуман фаолият кўрсатмаяпти. Корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталари меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини олиб боришда ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаяптилар. Кейинги бир йил ичида қатор корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган, маъмуриятларга тегишли талабномалар киритилмаган.

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини олиб боришда асосий бўғин саналган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва комиссияларнинг амалда мунтазам фаолият кўрсатиши таъминланмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Натижада корхоналарда меҳнат хавфсизлиги қоидалари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги хавфли омиллардан бири бўлган юк кўтариш механизмларини хавфсиз ишлатиш юзасидан мунтазам назорат олиб борилмаяпти. Чунончи, «Мехмаш»,»Барион» ва «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамиятларида юк кўтариш кранлари ўз вақтида техник кўрикдан ўтказилмаяпти. Бу эса иш жойларида хавфли вазиятларни юзага келтирмоқда. Масалан, «Наманганмаш»да баландликда иш олиб бориш вақтида чилангар Маъруф Султонов билан оғир оқибатли бахтсиз ҳодиса содир бўлди. «Барион» ҳиссадорлик жамиятида эса оғир вазнли юкларни ташиш қоидаларининг бузилиши сабабли ишчи Фарҳод Зиёвиддинов жароҳатланди. Текшириш мобайнида меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун икки мансабдор ходимга жарима солинди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича корхоналарнинг раҳбарларига ёзма кўрсатмалар, касаба уюшма қўмиталарига ишни яхшилаш юзасидан йўл-йўриқлар берилди. Ушбу масала муҳокамасига бағишланган вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатида эса бошқа тегишли чоралар белгиланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ВИДЕОФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Андижонда «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ижодкорлари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асари асосида яратган янги видеофильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда меҳнат жамоалари, маҳаллалар оқсоқоллари, зиёлилар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда видеофильм иждодкорлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани, юртимиз жаҳон миқёсида кенг тан олинаётганида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг йўлбошчилиги ва ташаббускорлиги беқиёс эканлиги, Юртбошимизнинг узоқни кўзловчи доно ички ва ташқи сиёсати ажойиб самаралар бераётганлиги фильмда тўлақонли акс эттирилганлигини таъкидладилар. Айни вақтда фильмда тасвирланган воқеаларни босқичма-босқич ёритишда мусиқадан, тарихий-хроник кадрлардан ўринли фойдаланилганлиги қайд этилди.

К.НИЗОМОВ.

Ўзбекистон қаҳрамонлари

ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

Азим Бухорода ўз меҳнати билан мўъжиза яратаётган фидоийлар кўп. Яқиндагина чорак асрлик меҳнатлари муносиб тарзда қадр топиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони ҳамда «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлган моҳир тўқувчи, элининг суюкли фарзанди Мартия Раҳматова ҳам ана шундай юртдошларимиздан биридир.

Очерк

Мартия... «Бухоротекс»да уни танимайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бугунги кунда эса оддийгина қишлоқ қизини бутун Ўзбекистон эъзозлаб турибди.

- Мен ҳаётда нимага эришган бўлсам, барчасига устозлар мадади муҳим омил бўлди - сўзлайди Мартия дилидагини яширмай. - Шу боисдан ҳам менга берилган Ватан мукофотини энг аввало уларга, қоларса, бутун жамоага билдирилган юксак ишонч, узоқ йиллар қилинган меҳнатимизнинг муносиб якуни деб биламан.

Қаҳрамонимиз шундай дея ҳийла хаёл оғушига шўнғиб кетгандек бўлди. Унинг қувончдан энтиккан қалбида, юз-кўзларида, юртига, халқига, чексиз эҳтиром уфуриб турибди. У барча сафдошларини, цехдаги дугоналарини, фабрикадошларини дил-дилдан қучгиси, уларга бир-бир яқинлигини билдириб қўйгиси келарди.

Мартияга бошдан оёқ разм солиб, севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси бош қаҳрамонини беихтиёр эслаб қоламан. Икки ўртадаги ўхшашликни биргина сўз билан ифодалагим келади. Ўйлайман, ўйга ботаман. Қани энди ўша сўзни топа олсам. Заҳматкаш чумолига ўхшаб шу митти жусса билан бир эмас, биратўла тўртта замонавий ип йигириш машинасига бас келиши мени ҳайратга солади..

Машиналар атрофида саккиз соат ичида босиб ўтиладиган масофани айтсаммикин? Мартия чаққон ҳаракатлари билан ҳар сменада ўрта ҳисобда 20 километргача йўл босиб ўтаркан. Роликларни тез-тез тозалаб туриш, узилган ипларни зудлик билан улаш, 1504 та (ҳар машинада 376 тадан) урчуққа ип бўлиб ўралашаётган тола ва тайёр ҳолга келган калавалардан кўз-қулоқ бўлиб туриш қанчалик зийраклик, эпчиллик ва чаққонлик талаб қилмайди, дейсиз. Бу жараённи, эҳтимол, айтиш ва ёзиш осондир. Агар инсон ақлидроки билан чинакам мўъжиза яралаётганига шубҳа билан қарасангиз, унда ҳеч иккиланмай, «Бухоротекс»нинг йигирув машиналаридан бирининг олдига келинг-да, ишчилар ҳаракатини кузатинг. Бу ерда чинакам фидойилар, матонатли одамларгина меҳнат қилишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бир вақтнинг ўзида тўртта машинада ишлашнинг уддасидан чиқиб келаётган Мартия Раҳматованинг жасорат кўрсатаётгани ҳақиқий қаҳрамонликнинг ўзидир.

Фабрика цехлари бўйлаб юриб борар эканмиз, одамлар тилидаги гап дилимизда муҳрланиб қолганлигини ҳам баралла айтмоқ жоиз. «Бир қаҳрамон бўлса, шунчалик бўларди. Ахир, сафимизда Мартиядан ўтиб тушадигани йўқ. У муносиб тақдирланди».

...Дам «Бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Мартия Раҳматова ишлайди», дея ҳали сиёҳи қуриб битмаган ёзувга, дам сменасини якунлаб, бизнинг саволларимизга тортинмай жавоб қайтараётган қадди-қомати ўзига ярашиб тушган ёқимтой қаҳрамонимизга разм соламан.

...28 йиллик узлуксиз меҳнат. Унинг 25 йили шу комбинатда ўтаяпти. Дастлаб тўқувчилик касби сир-асрорларини ўрганиш мақсадида Фарғона водийсига йўл олганлигини асло ёдидан чиқармаган бўлса керак. У ерда биринчи устози Антонина Николаевнанинг эътиборини тортиб, жуда қисқа фурсатда қўли ишга келиб қолганлигини хурсандчилик билан эслайди.

- Ҳали кўрасан, сендан ажойиб тўқувчи чиқади, - Антонина тез-тез ана шу гапни такрорларди. - Фақат қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ирода, сабр-бардош керак. Улар сенда мужассам.

Устозининг хайрлашиш олдидан комил ишонч билан:

- Бахт ва омад сендан асло юз ўгирмасин. Қувончли дамлар оғушида яшаб, меҳнат қилиб, кам бўлма, она қизим! - дея айтган сўзлари уни руҳлантириб юборди.

«Она қизим». Бундай туйғу ила эркалаб, бағрига босган ва ўша дақиқаларда ул зотни волидаи муҳтарамасига менгзаган қалб соҳибасини унутиб бўлади?!

Бугунги кунда Мартиянинг ҳам шогирдлари кўп. Мақсад Ҳамроева, Ҳадия Раҳмонова, Матлуба Пўлатовалардан у ҳақда сўраймиз.

- Устозингизнинг қайси жиҳатлари сизларга ёқади?

- Жуда кўп сифатлари. Ҳозирча 60-70 килогача ип йигирсак, опамиз аллақачон 120 килолик маррадан ўзган бўладилар. Биз у кишига етиб олишга ҳаракат қиламиз. У кишининг эса ортда қолгиси йўқ. Мудом интилишда. Бугун устозимиз корхонамиз фахрига айландилар. Жамоат ишларида, оилада, юриш-туришда мудом Мартия опага эргашиб, кам бўлмаяпмиз. Буни фабриканинг исталган ишчисидан сўранг. У кишига ҳамма ҳавас қилади, - бири қўйиб, бириб олиб сўзлайди қизларжонлар.

Ҳа, қаҳрамонимиз сифатларини санаб адоғига етиш қийин. Шу боисдан ҳам мулоҳазаларга эрк бермай, корхона истиқболи хусусидаги айрим рақамларни тилга олиб ўтсак.

«Бухоротекс» - гигант корхоналардан бири. Унинг ўзида ва филиалларида 12 минг кишидан ортиқ ишчи ишлайди. 12 минг одам - 12 минг оилани шу корхона боқади. Бу ерда асосий куч хотин-қизлар саналади. Улар жамоанинг 80 фоизини ташкил этади. Корхона цехларида 8 минг дона тўқув дастгоҳлари ишлаб турибди. Чет эл инвестициясини жалб қилиш эвазига қайта реконструкция қилишга эътибор кучайтириляпти. Эндиликда замонавий «Ритер» машиналаридан фойдаланишга киришилди.

Комбинатда бир кеча-кундузда 126 тонна пахта толаси қайта ишланади. Йил давомида тўқиб чиқарилган мато билан ер шари экваторини уч марта бемалол ўраб олса бўлади. Умумий газлама миқдори 120 миллион погонометрни ташкил этади. Бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 500 минг метрдан кам эмас. Суткалик сочиқ тайёрлаш миқдори 55-60 минг дона. Бир йилда 28 минг тонна ип калава ишлаб чиқарилади.

«Бухоротекс»да бундан-да юксакроқ натижаларга эришиш имкониятлари бор. Бунинг учун хом ашё етказиб беришдаги узулишларга батамом чек қўйиш керак. Тола етказиб бериш миқдорини ҳозирги 24-26 минг тоннадан 34-40 минг тоннага бемалол етказса бўлади. Комбинат маъмурияти ана шундай йўлдан бораяпти. Корхона тола етказиб берувчиларга ҳозирдаёқ 240 миллион сўм маблағни олдиндан тўлаб қўйгани бежиз эмас.

Қарс икки қўлдан, деганларидек, пахта етказувчилар билан ҳамкорлик изсиз кетмаслиги аниқ. Улар давлат буюртмасидан ошиқча пахта толасини ҳеч иккиланмай, бу корхонага беришмоқда. Натижада хом ашё таъминоти яхшиланмоқда.

Ушанда комбинат фахрига айланган Мартиялар - «Олтин юлдуз» соҳибаларининг сафига сафдош қўшилиб бораверади. Ажаб эмас, улар қаторидан қаҳрамонимизнинг якка-ю ягона қизи Марзияхон ҳам жой олса.

Усмон НАВРЎЗ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

«ЁРДАМ ПУЛИ» КИМЛАРГА БЕРИЛИШИ КЕРАК?

Эркин фуқаролик жамияти қуришда белгилаб олинган бешта асосий тамойилларимиздан бири бу кучли ижтимоий ҳимоядир. Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда айникса аёллар ва болалар ижтимоий ҳимоясига катта эътибор берилаётганлигининг ёркин далили дейиш мумкин. Муштарийларимизнинг талабларига биноан «ёрдам пули» кимларга ва қандай тартибларда берилиши лозимлиги ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ билан суҳбатлашдик.

Савол: «Ёрдам пули» асосан кимларга берилиши керак ва қай тарзда тайинланади?

Жавоб: Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони асосида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинланади ва тўланади. Ушбу фармонни бажариш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муайян шахсга қаратилганлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли қарор қабул қилиниб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низом тасдиқланди. Унга биноан, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар йиғини томонидан, ёхуд фуқаролар йиғинини ўз вақтида чақириш имконияти бўлмаган тақдирда кўчалар, турар жойлар, маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролари вакилларининг мажлисида қабул қилинади.

Нафақа олишга муҳтож бўлган, туғилган, болаликка ва ҳомийликка (васийликка) олинган 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач ариза берувчи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа ҳар ойда тўланади:

бир болали оилалар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида:

икки болали оилалар учун - 100 фоизи миқдорида:

уч болали оилалар учун - 140 фоизи миқдорида:

тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун - 175 фоизи миқдорида белгиланади.

Агар белгиланган тартибда нафақа белгиланган давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган ойдан бошлаб тегишли равишда кўпаяди.

Нафақа олишда имтиёзли ҳуқуқга эга шахсларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Булар:

- ногирон чақалоқли оилалар:

- ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланишадиган оилалар:

- болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар:

- ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат биржасида иш қидирувси сифатида ҳисобда турган оилалар.

Нафақа доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига нафақа тайинлаш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилишган оилаларга, алоҳида ҳолларда эса ушбу органнинг раиси (оқсоқоли) тақдимномасига биноан тайинланади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза болаларнинг ота-онасидан бири томонидан оиланинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органига ушбу органнинг раиси номига берилади.

Аризадан нафақа олиш учун мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек оиланинг умумий даромадини ҳисоблаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланган даврда оила аъзолари олган даромаднинг миқдори кўрсатилади.

Нафақа олиш учун мурожаат қилган шахс, аризадан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- оила аъзоларининг таркиби тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома:

- болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси:

- васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга нафақа тайинлаш чоғида васийлик (ҳомийлик) ҳуқуқини белгиловчи органнинг қароридан кўчирма:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига кўра - оила аъзоларининг даромадлари ҳақида маълумотнома.

Нафақа тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг асл нусхалари ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхалари тақдим этилиши мумкин.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш махсус рўйхатга олиш дафтарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг котиби томонидан амалга оширилади, дафтарда ариза тушган сана, илтимосноманинг қисқача мазмуни ва фуқаролар йиғини қарори қабул қилингандан сўнг, қарор санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумот ёзиб қўйилади.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузурида махсус комиссия тузилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Савол: Нафақани тўлаш тартиблари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

Жавоб: Нафақа фуқаролар йиғини қарорининг протоколи асосида тўланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг котиби ҳар ойнинг биринчи кунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорининг протоколлари асосида нафақа тўлаш учун рўйхат тузади. Унда нафақа олувчининг фамилияси, паспорт рақами ва манзили, шунингдек, тўланадиган миқдори кўрсатилган бўлади. Ўзини ўзи бошқариш органи раисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган рўйхати тегишли тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаси билан бирга нафақалар тайинланган ойнинг 5-кунигача бўлган муддатда Халқ банкининг туман бўлимига жўнатилади.

Нафақа шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳаллалар фуқаролар йиғини қарор қабул қилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб оила яшаб турган жойдаги Халқ банки муассаси томонидан берилади.

1997 йил январ ойи учун нафақа тўлаш мустаснодир. Бу ой учун нафақа 1997 йил январ ойида бўлган шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳаллалар фуқаролар йиғини қарорига биноан берилади.

Тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган (тўланмаган) нафақалар ўтган вақт учун тўлиқ миқдорда тўланади. Бундай ҳолларда ушбу нафақа олинмаган барча давр учун нафақа бир йўла тўланади. Бунда агар аризачи мазкур нафақага зарурати бўлмаганлигидан уни ўз вақтида олмаганлиги аниқланса, яъни оила нафақага муҳтож бўлмаса, ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг тақдимномасига кўра, фуқаролар йиғини бундан кейин нафақа беришни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Савол: Муштарийларимизда яна шундай савол туғилиши табиий. Хўш умумий даромад қўшиб ҳисобланганда ёрдам пули берилиши учун белгиланган меёр қанча? Умумий даромад неча сўмдан ошиб кетмаслиги керак?

Жавоб: Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, юқорида қайд этилган Низомда бундай кўрсатгич белгиланган эмас. Шунинг учун, фуқаролар йиғини бу масалани маблағлари имкониятидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Суҳбатдош: Дилором АЛЛАҚУЛОВА.

БИР БИРИГА МАДАДКОР

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига Шаҳрисабз туман агросаноат мажмуи қўмитаси ҳам доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жумладан «Кеш» ҳиссадорлик жамияти ва касаба уюшма қўмитаси бошпанасиз қолган ёлғиз Кимё Очиловага хўжалик ҳисобидан икки хонали уй қуриб берди. Хўжаликда комбайнчи бўлиб ишлаган Барот Шариповнинг энг кичик фарзанди 18 ёшга тўлгунча энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида нафақа тайинланди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси Одил Қодировнинг уйи ёниб кетганда у ёлғизлатиб қўйилмади. Хўжалик қурилиш материалларидан бепул ёрдам кўрсатди. Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзоси Суюн Эшалиевнинг сув олиб кетган уйи ўрнига янги бошпана қуриб беришди. Худди шу хўжаликдаги кам даромадли Мактаб Содиқованинг уйи тўлиқ газлаштириб берилди.

У.Иброҳимов номли хўжаликда оғир аҳволда қолган Осланов ва Ҳасановлар оиласига уй қуришда беминнат ёрдам кўрсатилди. «Гулистон» жамоа хўжалигида уйи ёниб кетган Салим Ҳамидовга қурилиш материаллари ажратилди, Вино-ароқ заводи эса ёлғиз она Ҳакима Суюновага уй-жой қуриб берди.

«Консерва» ҳиссадорлик жамияти ўтган даврда 1430 кишига 2 миллион 72 минг сўм, касаба уюшма қўмитаси эса 33 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди.

Иқтисодий қийналганларнинг аризаси асосида биргина туман қўмитаси уюштирган ёрдам пули миқдори 387 минг 500 сўмни ташкил этди.

Ҳа, ислоҳотлар одамларга хизмат қилиши керак. Шундай экан инсон ҳақида астойдил қайғуриш, унга ҳамкору мададкор бўлиши касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЯНГИ КАФЕДРА

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган педагог кадрлар тайёрлашдек муҳим таълимий жараёнга Тошкент кимё-технология институти профессор-ўқитувчилар жамоаси ҳам ўз хиссаларини қўшмоқда. Олий ўқув юртида махсус кафедранинг очишга қарор қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

Кимё ва озиқ-овқат саноати мутахассислиги йўналиши бўйича бўлажак педагогларни ўқитиш ва уларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминлашган боғлиқ.

Психологик-педагогик йўналишда фаолият кўрсатадиган бу янги кафедра олий ўқув юртида очилган «Педагогик маҳоратнинг замонавий асослари» деб номланган доимий илмий-методик семинар машғулотларини ташкил этишга ҳам яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланмаларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

«Пахта-99»

РЕЖА БАЖАРИЛДИ!

Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли хўжалик миришкорлари йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига қарийб 1 минг 900 тонна «оқ олтин» топширилди.

Эрта баҳор-да 645 гектар майдонга плёнка остига пахтанинг Болгариядан келтирилган тезпишар «Белый изворь» нави экилиб, барча агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда парваришланганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди.

Ҳали далада пахта кўп. Пахтакорлар уни қисқа муддатда нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ялпи ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА)

Самарқандда ўзбек миллий фильмлари ҳафталиги бошланди. Уни ўтказишдан мақсад «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан ишлаб чиқарилган фильмларда акс эттирилган халқимиз

МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАР ҲАФТАЛИГИ

маънавияти, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, урф-одат ва удумларимизни тарғиб этишдан иборатдир. Шу муносабат билан 13-19 сентябрь кунлари вилоятдаги барча кинотеатрлар, шунингдек ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларида турли фильмлар кўрсатилади. Санъат мухлислари «Тилсимой - ғаройиб қизалоқ», «Кичик табиб», «Севги», «Тилла бола», «Воиз», «Кетма» сингари фильмлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

Таҳририятга Поп туманининг «Туман» маҳалласида истикомат қилувчи фуқаро Шаҳноза Усмонова номидан шикоят хати келди. Хусусан, унда шундай дейилган:

«Мен 1984 йилдан бери Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинида котибалик вазифасида ишлаб келаётган эдим. 1998 йилнинг феврал ойида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Қўнчилик овоз билан, маҳалла қўмитаси котибалигига қайта сайландим. Фуқаролар йиғини раиси Алишер Довиловнинг тавсиясига кўра маҳалла қўмита раислигига Бозорбой Охунов номзоди маъқулланди. Аслида у кўп йиллардан бери шу маҳкамада қишлоқ фуқароларини ҳарбий ҳисобга олиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган эди. Қизиғи шундаки, Б.Охунов икки масъулиятли вазифани ҳам уддалашга киришди... Ваҳоланки, ҳисобот-сайлов йиғилишида мутлақо иштирок этмаган унинг турмуш ўртоғи Карима Хайриддинова расман раис, аммо амалда бу ишни Б.Охуновнинг ўзи бошқарадиган бўлди, гўё. Ҳақиқатда эса юмушлар менинг зиммамга юкланди.

Бизнинг ҳудуд 381 та хўжаликдан иборат бўлиб, унда 3600 дан зиёд аҳоли яшайди. Кенг кўламли ваколатли тадбирларни ўтказиш, аҳоли ўртасида маърифий-маданий ишларни олиб бориш менга оғирлик қилиб қолди. Шу боис, олиб бораётган ишларимиз қониқарсиз деб топилди. Бильакс, ҳар ким ўз вазифасини астойдил бажарса, бундай нохушлик бўлмас эди. Шунга қарамасдан, маҳалла қўмитасининг раиси К.Хайриддинова ойлик маошини қишлоқ фуқаролари йиғини раиси А.Довилов билан бўлишиб олишарди. Бу - кўзбўямачилик ва айни пайтда қипқизил ўғирлик-ку!

Боз устига, бу ҳам камлик қилгандай, А.Довилов 1999 йилнинг 12 май куни мени ўз вазифамдан озод этилишим ҳақида ноқонуний буйруқ чиқарди. Бундай дейишимга сабаб шуки, фақатгина фуқаролар йиғини қарори билан ишдан олинишим мумкин. Бундай ваколат эса мазкур шахсга берилмаган.

Мен ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиш мақсадида туман прокуратурасига мурожаат қилдим. Лекин, улар томонидан ҳам амалий жавоб бўлмади. Шунинг учун сизларга менинг ўз ишимга - котибаликка тикланишимга ҳамда мажбурий қолдирилган кунлар учун ўртача иш ҳақимни ундириб беришда кўмаклашсангиз, деб илтимос қилаяпман».

Ушбу масала Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси К.Раимжонов иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш якунига кўра, Поп тумани Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғининнинг янги раиса-си М.Юлибоевага маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Ш.Усмоновани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, уни аввалги ишига тиклаш ҳамда мажбурий ишсиз қолган даври учун ўртача иш ҳақи ундириш тўғрисида тақдимнома берилди. Қонуний талабларни бажарилишини вилоят Кенгаши ўз назоратига олди. Бу ҳақда даъво қилувчига қўшимча хабар берилди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

«Ишонч» бонг ураді

ХАРОБАГА АЙЛАНГАН ЎЙИНГОҲ

Қўшробод тумани марказига элтувчи кўча бўйлаб бораркансиз кўзингиз йўлнинг ўнг томонидаги тепаликка жойлашган қўшқаватли дарвозага тушади. Пештоғига «Меҳнат» деб йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган дарвоза яқинига борганингизда бу ер марказий ўйингоҳ эканлиги маълум бўлади. Бироқ уни ўйингоҳ дейишга тил бормайди. Унинг атрофларига турли темир-бетон плиталар пала-партиш жойлаштирилган. Устига-устак бундан анча илгари қурилиши бошланган савдо растаси биноси чала ташлаб кетилган.

—Ҳафтанинг ҳар жума куни бўлиб ўтадиган бозордан кейин ўйингоҳ атрофи ана шундай кўринишга эга бўлади, - дейди шу ерлик Абдуқаҳҳор Абдувоҳидов қоғоз парчалари ва ахлатлар ташланган жойларга ишора қилиб. Бу ердаги бозор расталари пала-партиш жойлаштирилган. «Ўйингоҳ» атрофида бирорта дарахт экилмаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан республикамиздаги кўплаб бозорлар кўриниши тубдан ўзгарди. Айниқса, пойтахт бозорларини кўрган кишининг ақли шошади. «Эски Жува», «Кўйлиқ», «Юнусобод» ва бошқа бозорлар шулар жумласидандир. Уларда сотувчи ва харидорларга аъло даражада шарт-шароит яратиб берилган. Бир сўз билан айтганда бу бозорларга кирган кишининг дили яйрайди. Лекин Қўшрободда бунинг акси, Мустақиллик кўчасида жойлашган «Сарбозор» бозорчасини олайлик. Мўъжазгина жойдан иборат икки қатор растада икки-уч деҳқон савдо қилиб ўтирибди. Маҳсулотлар тури ҳам кам. Раста пешайвони гўёки ўққа тутилганидек илма-тешик бўлиб кетган. Ёнидаги қурилиши тугалланмаган айвон эса харобага айланиш арафасида.

Туман ёшлари вақтини мазмунли ўтказиш учун клуб, кинотеатр деган маданият кошоналари аллақачон унутиб юборилганига нима дейсиз? Ҳатто, бундан икки-уч йил илгари фаолият кўрсатиб турган ёзги кинотеатр биноси хусусийлаштириб юборилган. Айни чоғда мазкур бино бошқа мақсад учун хизмат қилмоқда. Балки қишги клуб ишлаётгандир, деган илинжда у ерда бўлганимизда унинг эшигига катта қулф осилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Туманда аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Мисол учун «Очкўра» жамоа корхонасига қарашли маиший хизмат уйи шинамгина бинога эга. Аммо, усти ялтироқ, ичи қалтироқ бу бино кимга, нима мақсадда хизмат қилаётганлигини ҳеч ким билмайди. Сабаби, бино ичкарисига кириб, иккинчи қаватга кўтарилишингиз билан дилингиз хира тортади. Бир хонада жойлашган қурувчилар шу ердан қўним топишибди. Ишдан сўнг мароқли хордиқ чиқариш учун бирорта маданий-маиший хизмат турлари ишламаганлиги боис ёшлар кўчаларда тўп-тўп бўлиб юришибди. Улар учун оқшомлар ниҳоятда зерикарли ўтаётганлигини наҳотки туман ҳокимлиги вакиллари билишмаса? Шунинг учун ҳам аксарият ёшлар ўрта мактабни тугаллаганларидан сўнг марказга қараб ошиқаяпти.

Туман марказини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишига ҳам панжа орасидан қараб келинаяпти. Кўчаларга чорва молларини эътиборсиз қўйиб юборилаётганлиги, йўлларнинг уйдим-чуқурлиги киши ғашини келтиради. Ҳатто туман ҳокимлиги биноси ёнидаги асфалт йўлакларнинг ўйилиб кетганлиги билан қизиқадиган мард топилмаётганлигига ҳайрон қоласан киши. Бино атрофида ташкил этилган мўъзажгина боғ харобага айланиб бормоқда. Туман раҳбарларининг бу ишга жиддий эътибор бермаётганлиги кишини ҳайратлантиради.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бугун мен қўриқчинг бўлдим, кучукчам,
Улғайгач бўлурсан қўриқчим сен ҳам.

Футбол

«АНДИЖОН» БЎШ КЕЛМАЯПТИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси 8-Миллий чемпионатида олий табақада иштирок этувчи жамоалар навбатдаги 22-тур учрашувларини ўтказдилар. 8 учрашувда дарвозаларга 25 та тўп киритилди. Андижонда маҳаллий футболчилар чемпионликка давогарлардан бири «Самарқанд» жамоасини қабул қилиб, ўз мухлисларини хушнуд этдилар. Улар пешқадамдан қўрқмай ўйин бошиданоқ майдонда фаол ҳаракат қилиб, устунликка эришдилар. Биринчи бўлимнинг 25-дақиқасида Зафар Мусабоев рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 2-бўлимда Отабек Қиличев 65-дақиқада ҳисобни 2:0 га ўзгартирди. Учрашув майдон эгаларининг соф ғалабаси билан якунланди. Улар сўнгги турларни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Кетма-кет ўтган 5 учрашувда бирон марта ҳам мағлубиятга учрамадилар. 20-турда «Темирйўлчи» устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қучган бўлсалар 21-турда «Янгиер»да майдон эгалари билан ғалабага тенг дурангга эришдилар. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланган эди. Энди эса улар чемпионликка давогар устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар ва хавфли зонадан кўтарилиб олдилар. Улар тўплаган очколар сони 24тага етди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Бекободда майдон эгалари устидан 2:1 ҳисобида ғолиб чикдилар. Худди шундай ҳисоб Жизда ҳам қайд этилди. «Сўғдиёна» жадвалда 2-ўринни эгаллаб турган мамлакатнинг бир неча бор чемпиони «Нефтчи»жамоаси устидан 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди. Хавфли зонада юрган «Сурхон» жамоаси ўз майдонида «Трактор» жамоаси устидан ғалаба қозониши мумкин эди, лекин 1:0 ҳисобида ўнишни ушлаб қололмадилар ва 85-дақиқада меҳмонлар жавоб тўпини киритиб, ҳисобни 1:1 қилиб тенглаштиришга эришдилар. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси Бухорода майдон эгаларига қарши тўп суриб, ягона тўп билан 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар ва ўз очколари сонини 39 тага етказиб олдилар. Жадвалда карвонбошилик қилаётган «Дўстлик» жамоаси Урганчда муҳим ғалабани қўлга киритди. «Хоразм» ўйиннинг бошиданоқ фаол ҳаракат қилиб, устунликка эришди. 12-дақиқада Владимир Баранов пешқадам дарвозасини забт этди. Майдон эгалари «Дўстлик» дарвозасига яна бир тўп киритишга муваффақ бўлдилар, шундан сўнг, меҳмонлар ҳужумни кучайтирдилар ва кўзлаган ниятларига эришдилар. Улар сафида Ойбек Усмонхўжаев, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Февзи Давлатов ва Мухтор Қурбонов каби асосий ўйинчилар бўлмаса-да, ҳужумда яхши натижага эришдилар. 2:0 ҳисобида бой бериб туриб, кетма-кет учта тўп киритиб, майдон эгаларини мағлуб қилишга муваффақ бўлдилар, қизиқарли ўтган учрашув 3:2 ҳисобида «Дўстлик» ғалабаси билан якунланди. Уларнинг бу ғалабаси келтирган уч очко билан улар очколар сонини 47 тага етказдилар ва ягона пешқадам бўлиб турибдилар. «Насаф» ҳам худди шундай ҳисоб билан муваффақият қучди. Лекин бу ерда учрашувнинг 90-дақиқасидагина майдон эгалари ҳисобни 3:2га ўзгартирдилар. «Зарафшон» жамоаси ўз майдонида «Янгиер» футболчиларини қабул қилиб 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар ва сўнгги ўриндаги «Янгиер»дан 9 очкога ўзиб кетдилар. Навбатдаги 23 тур учрашувлари 18 сентябр шанба куни бўлиб ўтади. Унда «Дўстлик» «Сурхон»ни қабул қилса, «Нефтчи» «Металлург» билан учрашади. «Самарқанд» эса «Зарафшон» билан ўз майдонида куч синашади.

Талъат ЮСУПОВ.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Эрозия» лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида емирилиш деган маънони билдиради. Тупроқнинг ҳар хил сабабларга кўра емирилиши тупроқ эрозияси деб аталади. Ўзбекистонда, одатда, сув (суғориладиган сув, сел) таъсирида кўп ерлар емирилади. Сув таъсирида емирилиш натижасида жарлар пайдо бўлади.

Шамол таъсирида ҳам тупроқ емирилади, майда зарралари учиб кетади. Сув, шамол эрозиялари ҳар томонлама илмий ўрганилган. Ўзбекистон деҳқончилигида яна бир зарарли ҳодиса бор - у гармсил, гармсел, фён деб аталади. «Гибралтар» сўзи аслида арабча «Жабал Тариқ», яъни Тариқнинг тоғи иборасидан олинган. Тариқ - арабларнинг карвонбошиси бўлиб, 711 йилда Испанияга қарши юришда маврларга бошчилик қилган.

Ўзбекистонда педагогик матбуотнинг шаклланиши ва ривожланишида «Халқ таълими» журналининг тутган ўрни катта. Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг илмий-методик журнали ҳисобланган бу нашр чика бошлаганига 80 йил тўлди.

МАЪРИФАТ ЗИЁСИ

Ўзбекистонда ташкил топган бу биринчи педагогик журнал маданий ва маърифий ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Зиёлиларнинг маърифий маданиятини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларини уйғунлаштириш, замонавий билимларга эга бўлган маърифатпарварли инсонларни тарбиялашда журнал халқ таълими фидойиси сифатида катта йўлни босиб ўтди. Унинг мазмун ва мундарижаси йил сайин бойиб борди. У том маънода таълим соҳаси газета ва журналларнинг отахони бўлиб қолди.

Дастлаб у «Маориф» деган ном билан Туркистон Жумҳурияти маориф комиссарлиги муассислигида чоп этилиб, унинг илк сони 1918 йил декабр ойида босилиб чиқди.

Журнал дастлабки сонларидан бошлаб ўз атрофига таълим тизимининг жонкуяр намоёндаларини тўплаб, янада ўқимишли мақолалар чиқаришга, ҳаракат қилди. Зиё Саид, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Ҳошим каби маърифатпарварликнинг кўзга кўринган намоёндалари ижодлари журнал обрў-эътиборини ошириб, мундарижасини янада бойитди. У минг-минглаб хонадонларга маърифат-зиё нурини олиб кирди.

«Маориф» журнали кейинчалик «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Политехник мактаб ва педагогика», «Совет педагогикаси», «Совет мактаби» деган номларда чиқарилди. Бугунги кунда эса «Халқ таълими» номи билан бутун республикамиз маориф ходимлари, ўқитувчи ва педагогларининг севимли оммабоп журналига айланиб қолди.

Ҳозир мамлакатимизда унинг ворислари янглиғ «Мактабгача тарбия», «Соғлом авлод учун», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» журналлари чоп этилмоқда. «Халқ таълими» журнали ўқитувчиларнинг ғоявий мураббийси сифатида таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида такомиллаштиришдек маърифий ва маънавий тараққиётга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг саҳифаларида ёритилаётган педагогика, психология, методикага оид илмий-услубий мақолалар мазмун жиҳатдан бойиб бормоқда. Бу эса халқ таълими ислоҳотларининг амалга оширилишида муҳим ўрин тутаётир.

- Биз «Халқ таълими» кутубхонаси рукни остида «мактабда математика таълими», «мактабда физика таълими» номларда тўпламлар тузишни режалаштириб қўйдик,-дейди журналнинг бош муҳаррири профессор Жўрабой Икромов. - Бундай нашрлар ўқитувчиларимизнинг шахсий кутубхоналарини бойитиб, уларни илмий-методик билимлар билан қуроллаштиришга хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 5. Қўша-қўша либосли сабзавот. 6. Илон тури. 9. Маскан, ватан, турар жой. 11. Муаммо, бош қотириладиган масала. 12. Албаниянинг пойтахти. 15. Лондондаги маҳаллий ҳокимият органларининг бошлиғи. 17. Қисқа стволли милтиқ. 18. Тез пишар шўрва. 19. Қўмондон, бошлиқ. 20. Ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган оммавий ташкилот. 24. Паразит ҳашарот. 25. Спортдаги югуриш тури. 26. Фарангистондаги дарё. 29. Дурадгорлик анжоми. 30. Мевали бута ўсимлиги. 31. Фарангистонда фожеали ўлим топган малика. 33. Республикамизда чиқадиган ойнома. 34. Сутсимон ширадор шапалоқ баргли дарахт.

БЎЙИГА: 1. Ошкўк учун экиладиган хушбўй ўсимлик. 2. Уялиш ҳисси, номус. 3. Олмониянинг пойтахти. 4. Мағзидан мой олинадиган дуккакли ўсимлик. 7. Мушакларнинг тортишуви натижасида қўл-оёқнинг ишламай қолиш касаллиги. 8. Мусиқавий гуруҳлардан бири. 10. Тортиқ қилиб берилган нарса. 13. Ўтҳонали рўзғор буюми. 14. Билармон, билимдон. 16. Диалог шаклида ёзилган саҳна асари. 18. Етимлик ёшидан ўтган, балоғатга етган бола. 21. Қадимий оғирлик ўлчов бирлиги. 22. Бойлик, давлат. 23. Ҳинд ёзувчиси, жамоат арбоби. 27. Тропик мева. 28. Сабр, қаноат, вазминлик. 31. Устки кийимлар қилинадиган қалин, жун газлама. 32. Ҳиндистондаги муомаладаги майда пул бирлиги.



Тузувчи: Т.УМАРОВ

Газетамизнинг 116-сонидаги

БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Ёйлар бўйича ўнгга: 19. Пулемёт. 20. Флорида. 21. Арнасой. 22. Арктика. 23. Акробат. 24. Пайариқ.

Ёйлар бўйича чапга: 19. Пловдив. 20. Фабрика. 21. Апеннин. 22. Атакама. 23. Арғумоқ. 24. Платина.

Айланалар бўйича: 1. Олатов. 2. Вазн. 3. Невада. 4. Ария. 5. Ямайка. 6. Арча. 7. Аннаба. 8. Алла. 9. Апатит. 10. Таъб. 11. Баққол. 12. Лото. 13. Ашула. 14. Айлана. 15. Арпа. 16. Аорта. 17. Аккра. 18. Атала.

МУАММОНОМА

Ҳикмат: Фидокор - ватанпарвар ва инсонпарвардир.

Ҳар тўғрида

ЁҒ ТАРКИБИ ХУСУСИДА

Инсоният қачондан бери, ўз таомида ёғ ишлатиб келаётганини аниқ айтиши қийин. Мана шундай кўҳна тарихга эга бўлган ёғ таркиби яқинда ўрганила бошланди.

1823 йили ёғ таркиби - глицерин, ёғ кислоталари ва эфирли глицеринлардан иборат эканлиги аниқланди. Унинг кимёвий хусусиятлари ва баданга таъсири ҳам кузатилди.

Ёғ инсон танаси учун муҳим қувват манбаи бўлиб, у баданда парчаланганда, углерод ва оқсилларга нисбатан икки марта ортиқ энергия беради. Олдинлари ёғнинг биологик аҳамияти фақат шу билан чегараланади, деб ўйлашганди.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларига келиб, ёғ таркибида А,Д,Е каби дармондорилар ҳамда бошқа зарурий моддалар борлиги аниқланди. Шу билан бирга ёғ таркибидаги баъзи тўйинмаган ёғ кислоталари тана учун жуда зарурлиги ва уларни бошқа ҳеч қандай модда билан алмаштириб бўлмаслиги маълум бўлди.

Фан ва техниканинг ривожланиши ёғ таркибидаги микромоддалар, ёғ кислоталари, уларнинг тузилиши, кимёвий хоссалари ўрганилди. Бинобарин, ёғ зарур моддаларга бой истеъмол маҳсулотидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Қибрай тумани «Нуроний» жамғармаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном

Жўра ХОНАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши республика енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси М.В.Одиловага укаси

Абдуқаҳҳор ПЎЛАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси Марказий қўмита раиси Маъмура Одиловага укаси

Абдуқаҳҳор ПЎЛАТОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси вилоят кўмитаси раиси Камолжон Шодиметовга волидаи мухтарамаси

Рохатой АЛМЕТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти – 21.00 Топширилди 0 .50

Буюртма Г— 0734. 1 2 3 4 5 6